

## ТАДБИРКОРЛИК СУБЪЕКТЛАРИ ЭКСПОРТ САЛОҲИЯТИДАН Фойдаланиш самарадорлигини оширишнинг Замонавий савдо назарияларига хос жиҳатлари

**Чориева Нигина Қахрамановна**

Бухоро давлат университети,  
Иқтисодиёт кафедраси ўқитувчиси

<https://doi.org/10.5281/zenodo.20341215>

Замонавий савдо шароитида рақобат устунлиги, янги савдо ва инновацион ривожланиш назариялари асосида тадбиркорлик субъектларининг экспорт салоҳиятидан фойдаланиш самарадорлигини оширишга устуворлик қаратилиб келинмоқда. Шу сабабли, ушбу илмий назариялар асосида тадбиркорлик субъектларининг экспорт салоҳиятидан фойдаланиш самарадорлигини оширишнинг устуворликларини ҳам чуқур тизимли таҳлил қилиш талаб этилади.

Демак, М. Портернинг рақобатбардошлик назарияси асосида тадбиркорлик субъектларининг экспорт салоҳиятидан фойдаланиш самарадорлигини оширишга қаратилган фундаментал аҳамият касб этувчи сўнгги йилларда Й. Алимохаммади<sup>1</sup>, А.Р. Фароқуе<sup>2</sup>, П. Красински<sup>3</sup>, Н. Элсавира<sup>4</sup> каби иқтисодчи олимлар томонидан амалга оширилган илмий тадқиқотлар натижаларини таҳлил қилиш асосида қуйидаги хулосаларни шакллантиришга эришдик:

тадбиркорлик субъектларининг экспорт салоҳиятидан фойдаланиш самарадорлигини оширишда мамлакатдаги ички соғлом бозор рақобати муҳтини шакллантириш талаб этилади. Шу ўринда таъкидлш жоизки, кичик ва йирик тадбиркорлик субъектлари ўртасида ўзаро соғлом рақобат муҳитини шакллантиришда кичик турдаги тадбиркорлик субъектларини давлат томонидан қўллаб-қувватлаш, уларга нисбатан қўлланиладиган имтиёз ва преференциялар йирик тадбиркорлик субъектларига нисбатан кенг қамровли бўлиши талаб этилиб, хорижий маҳсулот ишлаб чиқарувчи тадбиркорлик субъектларининг мамлакат бозорига кириши билан боғлиқ чекловлар минимал даражада бўлиб, уларга нисбатан протекционистик чекловларни минималлаштириш ёки умуман қўлламаслик керак бўлади. Бу орқали тадбиркорлик субъектларининг соғлом рақобат шароитида маҳсулот ишлаб чиқариши харажатларини оптималлаштирилиши билан биргаликда, ишлаб чиқарилаётган маҳсулотнинг сифат кўрсаткичларини такомиллаштирилиши ҳисобига рақобат устунлигига эришилиши пировардида экспорт салоҳияти

<sup>1</sup> Alimohammadi Y., Aghamousa R., and Meshkani F.A. Examining the role of export competitive advantages on export performance. *Management Science Letters*, Vol. 4, 2014. – pp. 621-626

<sup>2</sup> Faroque A.R., Rahman A., Appiah E.K., and Ahmed J.U. Entrepreneurial implications of export market orientation: Unveiling proactive and responsive market orientation's differential role in exporting firms. *Industrial Marketing Management*, Vol. 131, 2025. – 89-102.

<sup>3</sup> Kracinski P., Stolarczyk P., and Zaremba L. Competitiveness of the Largest Global Exporters of Concentrated Apple Juice. *Agriculture*, Vol. 15 (1197), 2025. – pp. 1-21. DOI: 10.3390/agriculture15111197

<sup>4</sup> Elsavira N., Agus M.H., Silvianita A. The Influence of Competitive Strategy on Export Performance Through Competitive Advantage with Firm Age Moderation in the Indonesian Export Channel (IEC) Community of MSMEs. *International Journal of Applied Business & International Management (IJABIM)* Vol. 9 No. 3, 2024. – pp. 365-383

кенгайиб, ундан фойдаланиш самарадорлигини ошириш борасида чора-тадбирларни амалга ошириши жадаллашади;

мамлакатда таadbиркорлик субъектларининг экспорт салоҳиятидан фойдаланиш самарадорлигини рақобатбардошлик назарияси асосида оширилиши ҳолатига мамлакатнинг ички рақобат муҳити, таadbиркорлик субъектларининг инновацион фаоллиги ва институционал омиллар сезилрли даражада таъсир кўрсатиб, рақобат таadbиркорлик субъектларининг экспорт салоҳиятидан фойдаланиш самарадорлигини оширишнинг драйвери сифатида баҳоланади;

таadbиркорлик субъектлари экспорт салоҳиятидан фойдаланиш самарадорлигини мунтазам равишда ошиб боришига эришилиши учун таadbиркорлар томонидан улар томонидан ишлаб чиқарилаётган маҳсулот рақобатбардошлигини ошириш ва таadbиркорлик фаолиятини ривожлантириш стратегиялари ишлаб чиқили, стратегик ривожланиш устуворликларини амалга оширилишида давлат томонидан қўллаб-қувватлаш чоралари институционал воситалар орқали ҳаракатга келтирилиши керак бўлади.

Демак, умумий ҳолатда рақобатбардошлик назарияси асосида таadbиркорлик субъектларининг экспорт салоҳиятидан фойдаланиш самарадорлигини ошириш билаан боғлиқ бўлган жараёнларни қуйидаги функционал кўринишда ифодалаш мумкин бўлади, деган хулосага келинди:

$$TES_{RN} = f(O_{RM}, MT_{IB}, MI_{B \wedge XT}, S_{R \wedge R})$$

Бу ерда:

$TES_{RN}$  – таadbиркорлик субъектлари экспорт салоҳиятидан фойдаланиш самарадорлигини рақобат устунлиги назарияси асосида таъминланиши ҳолати;

$O_{RM}$  – мамлакат иқтисодиёти тармоқларида хўжалик фаолияти юритаётган таadbиркорлик субъектлари, айниқса, маҳсулотни экспорт қилувчи таadbиркорлик субъектлари ўртасидаги ички рақобат муҳитига таъсир кўрсатувчи миллий иқтисодиётнинг хусусий омиллари;

$MT_{IB}$  – таadbиркорлик субъектлари томонидан экспорт қилинаётган маҳсулот турига нисбатан мамлакат ички истеъмол бозоридаги потенциал талаб ҳажмининг қондирилганлик даражаси. Шу ўринда таъкидлаш жоизки, ички истеъмол бозоридаги потенциал талабни қондирмай туриб, таadbиркорлик субъектларининг экспорт салоҳиятидан фойдаланиш самарадорлигини таъминлашга қаратилган ислоҳот чора-таadbирлари ички бозорда маҳсулот танқислиги билан боғлиқ бўлган муаммони вужудга келтириши мумкин бўлади;

$MI_{B \wedge XT}$  – таadbиркорлик субъектлари томонидан экспорт қилинаётган маҳсулотни ишлаб чиқариш учун хизмат кўрсатувчи ёки унга боғлиқ бўлган тармоқларнинг ривожланганлик даражаси ва улар ўртасида ўзаро интеграциялашув, ҳамда, иқтисодий ҳамкорлик муносабатларининг ўрнатилганлик даражаси;

$S_{R\wedge R}$  – экспорт фаолияти билан шуғулланувчи тадбиркорлик субъектларининг маҳсулот рақобатбардошлигини ошириш ва тадбиркорлик фаолиятини ривожлантиришга қаратилган стратегик дастурларининг ишлаб чиқилганлиги билан биргаликда, уларни самарали амалга оширилиши ҳолати.

Шу билан биргаликда, халқаро савдо муносабатларининг глобал ривожланиш тенденцияларининг хусусиятлари асосида шаклланган янги савдо назариялари асосида “тадбиркорлик субъектларининг экспорт салоҳиятидан фойдаланиш самарадорлигини оширишда маҳсулот ишлаб чиқариш ҳажмини ортиши ҳисобига эришиладиган кўлам самараси, яъни катта ҳажмда маҳсулот ишлаб чиқариш уни ишлаб чиқариш харажатларини камайтириши натижасида йирик тадбиркорлик субъектлари рақобат устунлигига эришиши пировардида улар экспорт салоҳиятидан фойдаланиш самарадорлигини ошириш кичик ва ўрта тадбиркорлик субъектларига нисбатан қулайроқ”<sup>5</sup> эканлигини билан характерланади. Ўтказилган таҳлилларга кўра, янги савдо назарияси тадбиркорлик субъектлари томонидан маҳсулот ишлаб чиқариш ҳажмининг ортиши ҳисобига эришиладиган кўлам самараси орқали улар фаолиятида бозор концентрациялашуви намоён бўлиши пировардида тадбиркорлик субъектларининг экспорт салоҳиятидан фойдаланиш самарадорлиги ортишини кўрсатди.

Шунингдек, замонавий иқтисодий муносабатлар шароитида инновацион назариялар асосида тадбиркорлик субъектларининг экспорт салоҳиятидан фойдаланиш самарадорлигини оширишда ишлаб чиқариш билан илмий тадқиқот ишлари ўртасидаги ўзаро алоқадорликни таъминлаш, тадбиркорлик субъектлари томонидан ташкил этилган маҳсулот ишлаб чиқариш жараёнларини янги турдаги техника ва технологиялар билан қуроллантирилишини назарда тутати. Мазкур йўналишда сўнгги йилларда иқтисодий фанда узоқ хорижлик А. Омри<sup>6</sup>, А. Зиане<sup>7</sup>, Ж. Хуанг<sup>8</sup> каби олимлар томонидан фундаментал йўналишда тадқиқ этилиши асосида йирик тадбиркорлик субъектларининг инновацион ривожланиш имкониятлари кичик ва ўрта шаклдаги тадбиркорлик субъектларига нисбатан юқорилиги сабабли, давлат томонидан очиқ инновацион сиёсат юритиш асосида кичик ва ўрта тадбиркорлик субъектларини инновацион ривожланишини қўллаб-қувватлаш чораларини кўриш орқали маҳаллий тадбиркорлик субъектларининг экспорт салоҳиятидан фойдаланиш самарадорлигини ошириш мумкинлиги илмий жиҳатдан асослаб берилган ҳисобланади.

<sup>5</sup> Alam A. The New Trade Theory and Its Relevance or Developing Countries. Policy Research Working Paper 1274, The World Bank, March 1994. – 28 pages.

<sup>6</sup> Omri A., and Al-Qasir M. Environmental impacts of international business and entrepreneurship: do green and innovation technologies play significant roles? *Frontiers in Sustainability*, Vol. 6, 2025. – pp. 1-18 DOI: 10.3389/frsus.2025.1675378

<sup>7</sup> Ziane A., Bouziani A., and Moumni S. Entrepreneurship and Innovation: Driving Economic Growth. *SocioEconomic Challenges*, Vol. 9, Issue 1, 2025. – pp. 219-232

<sup>8</sup> Huang J., and Zhou P. Open Innovation and Entrepreneurship: A Review from the Perspective of Sustainable Business Models. *Sustainability*, Vol. 17, 2025. – pp. 1-11. DOI: [10.3390/su17030939](https://doi.org/10.3390/su17030939)

### Adabiyotlar, References, Литературы:

1. Alimohammadi Y., Aghamousa R., and, Meshkani F.A. Examining the role of export competitive advantages on export performance. *Management Science Letters*, Vol. 4, 2014. – pp. 621-626
2. Faroque A.R., Rahman A., Appiah E.K., and Ahmed J.U. Entrepreneurial implications of export market orientation: Unveiling proactive and responsive market orientation’s differential role in exporting firms. *Industrial Marketing Management*, Vol. 131, 2025. – 89-102.
3. Kracinski P., Stolarczyk P., and Zaremba L. Competitiveness of the Largest Global Exporters of Concentrated Apple Juice. *Agriculture*, Vol. 15 (1197), 2025. – pp. 1-21. DOI: 10.3390/agriculture15111197
4. Elsavira N., Agus M.H., Silvianita A. The Influence of Competitive Strategy on Export Performance Through Competitive Advantage with Firm Age Moderation in the Indonesian Export Channel (IEC) Community of MSMEs. *International Journal of Applied Business & International Management (IJABIM)* Vol. 9 No. 3, 2024. – pp. 365-383
5. Alam A. The New Trade Theory and Its Relevance or Developing Countries. *Policy Research Working Paper 1274*, The World Bank, March 1994. – 28 pages.
6. Omri A., and Al-Qasir M. Environmental impacts of international business and entrepreneurship: do green and innovation technologies play significant roles? *Frontiers in Sustainability*, Vol. 6, 2025. – pp. 1-18 DOI: 10.3389/frsus.2025.1675378
7. Ziane A., Bouziani A., and, Moumni S. Entrepreneurship and Innovation: Driving Economic Growth. *SocioEconomic Challenges*, Vol. 9, Issue 1, 2025. – pp. 219-232
8. Huang J., and Zhou P. Open Innovation and Entrepreneurship: A Review from the Perspective of Sustainable Business Models. *Sustainability*, Vol. 17, 2025. – pp. 1-11. DOI: 10.3390/su17030939